МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

Mahalla

15 (669)

1996 йилдан чиқа бошлаган | 2009 йил 15 апрель. Чоршанба | www.mahalla.uz | mahalla.gz@rambler.ru | ISSN 2010-7013

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОВУЛДА ЯНГИ МАКТАБ

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида Беруний туманидаги «Озод» овул фуқаролари йиғини ҳудудида жойлашган 15-мактабнинг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Эндиликда мактаб ўқувчилари замонавий меъморчилик услубида қурилган 630 ўринли, қулай, шинам, кенг ва ёруғ синфхоналарда таълим-тарбия олмоқда. Бундан ташқари, барча шароитларга эга, спорт жиҳозлари билан тўла таъминланган спорт зали ҳам ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

СУРАТЛАРДА: *ўқитувчи Аина Сапарова дарс пайтида; 15-мактабнинг янги биноси кўриниши.*

Арслон КАННАЗАРОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

УЙЛАРИ ШИНАМ, КЎЧАЛАРИ РАВОН

қишлоқнинг шаҳардан-да қолишмайдиган гўшага айлантиришга бел боғлаган фуқаролар йиғини фаолларининг келажакдаги режалари янада улкан ва хайрли.

Истиқлол йилларида уйларимиз, кўчаларимиз, маданий-маиший хизмат кўрсатиш масканлари қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги лойиҳалар асосида қурилаётган, қулайликлари бисёр уйларни кўриб, кўзинг қувонади. Айниқса, замонавий типда бунёд этилган мактаб, коллеж ва лицейларни айтмайсизми.

Ўқув хонасида ўтириб компьютер билан сирлашаётган, интернет орқали дунё хабарларидан воқиф бўлаётган болангизнинг иқболидан қувонмай бўладими? Спорт залларида чиниқиб, жаҳон миқёсидаги мусобақалардан соврин билан қайтаётган ўғил-қизларимиз камолида истиқлол берган бахтни туймаслик мумкин эмас.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Масалан, Сирдарё туманидаги 1233 та хонадон яшайдиган Усмон Юсупов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғининг ўзида 3 та умумтаълим мактаби, 2 та қишлоқ врачлик, 2 та зооветеринария пункти, қассобхоналар, этикдўзлик устахоналари, сартарошхона, қатор тижорат дўконлари хизмат кўрсатиб турибди. Фуқаролар йиғини ҳудудида «Самарқанд», «Истиқлол», «Янги ҳаёт», «Туркистон» маҳаллаларидаги равон кўчалар, шинам уйлар, кишининг ҳавасини келтиради.

Томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланиш, бир йилда икки-уч марта ҳосил олиш борасида «Истиқлол» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларида яшовчи аҳоли ўзига хос тажрибага эга. Фуқаролар йиғини ҳудудидаги 50 та хонадонда иссиқхона мавжуд. Помидор, бақлажон кўчатлари етиштириш билан шуғулланаётган Шерали Баратов, Аҳмад Чиннибеков оиласи мўъжазгина иссиқхонанинг ўзидан йилига 2-3 миллион сўм қўшимча даромад олмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ > [3]

Муносабат

ВАТАН ШАЪНИ МУҚАДДАСДИР

Оромбахш қўшиқни эшитганда дил яйрайди. Ҳордиқ маҳали дилрабо ашула кайфиятни кўтариб, кўнгилга сурур улашади. Бироқ қўшиқ фақат роҳат олиш, маданий ҳордиқ чиқариш омили эмас. Зеро, мукаммал матн ва мумтоз куй уйғунлигида янграйдиган тарона тингловчига ҳам маънавий озиқ, ҳам нафосатга йўғрилган маъноларни етказади.

Санъатнинг бу жозибали турини теран мазмун ва унга мос тарона ҳамда сеҳрли овоздан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Халқона оҳангларда куйланадиган мумтоз ашулаларимиз бунинг ёрқин далилидир.

Қўшиқ мавзуига кўра турли-туман: муҳаббат ҳақида, табиат ва унинг фасллари, ота-она ва болалик ҳақида. Мана шу рангбаранглик орасида Ватан ҳақидаги қўшиқлар ўзининг ижтимоий-маънавий салмоғи билан алоҳида ажралиб туради. Чунки Ватан севишганларнинг ҳам, ота-онанинг, фарзандларнинг ҳам — барчамизнинг қутлуғ масканимиз, ор-номусимиз, ўтмиш ва келажагимиздир. Шу боис, унинг шаъни биз учун муқаддасдир, уни шарафлаб куйланган қўшиқ эса барчага бирдай қадрли. Айни шу маънода Ватан ҳақида қўшиқ яратиш шоирдан, бастакордан ва хонандадан жуда катта масъулият талаб қилади.

Муҳтарам Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори она Ўзбекистонимизни тараннум этувчи мазмунан теран ва бадиий етук қўшиқлар яратишда ижод ва санъат аҳлида катта рағбат уйғотади, халқимизнинг маънавий мулкига айланадиган ашулалар кўпайишига замин яратади.

Шу ўринда қўшиқчилик санъатимиз доимо давлатимиз эътиборида бўлиб келганини, машҳур хонандаларимиз дунё кезиб миллий санъатимизнинг бу соҳир турини элларга, юртларга манзур этаётганини, иқтидорли ёшлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Дарҳақиқат, Президентимизнинг мазкур қарорида ҳам «санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш» лозимлиги таъкидланган.

Дарҳақиқат, ёшлар қалбида Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат туйғуларини тарбиялашда қўшиқ каби таъсирчан бошқа бир омилни тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан, қўшиқчилигимиз савиясини янада кўтариш бугунги кунда ижодкор ва санъаткорлар олдида долзарб вазифа бўлиб турибди.

Сир эмас, кейинги пайтда уч-тўрт мисра-жумлани нуқул такрорлаб, мусиқа санъатимизга ёт оҳангларда хиргойи қилинадиган савияси паст қўшиқлар кўпайиб қолди. Айниқса, айрим хорижий мусиқаларга тақлид қилиб куйланаётган йиғлоқи оҳангдаги хонишлар санъат ихлосмандларининг ғашига тегаётир. Аслида бизнинг миллий мусиқамиз, мумтоз ашулаларимиз мардона, ўктам овозда баралла куйланади. Бу ашулалар, қайси мавзуда бўлмасин, тингловчида кўтаринки руҳ, ғайрат, меҳр-муҳаббат, ҳаётга, яшашга кучли иштиёқ пайдо қилади. Ҳатто ҳижрон, айрилиқ мотивларига йўғрилган мумтоз ашулаларимизда ҳам ички туғён, шижоат барқ уриб туради. Ана шундай тенгсиз, сурури баланд миллий қўшиқчилигимиз санъатининг нодир намуналарига уйғун бўлган ашулалар бугунги кунда жуда зарур. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови барчамизни она Ўзбекистонмизга бағишланган янги жўшқин, сурурли ва сермазмун қўшиқлар билан хурсанд этади, деб ишонамиз. Зотан, Ватанни мадҳ этадиган қўшиқда ғуруримиз, ифтихоримиз, имон-эътиқодимиз тараннум этилмоғи, юрт шаъни шарафланмоғи лозим.

Моҳира ОТАБОЕВА

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Фарғона шаҳрида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Анжуманда Юртбошимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш йўллари аниқ кўрсатиб берилгани таъкидланди. Шунингдек, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш сингари муҳим масалалар хусусида сўз юритилди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги, жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, Юртбошимизнинг ушбу асарида илгари сурилган вазифалар, фикр ва мулоҳазалар ҳақида гапирдилар. Мазкур китоб жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилишини, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур асари ва ушбу дастурнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, тушунтириш ишларини олиб бориш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Семинарда Президентимиз асарини ўрганишнинг илмий-педагогик, ўқув-услубий таъминоти масалалари хусусида фикр алмашилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

Республикамиз маҳаллаларида

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Бухоро вилояти ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига кўра, сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги қарори ижросини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, тадбирда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2009 йил 27 февралдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида»ги қарори ижроси муҳокама этилиб, мавзу бўйича сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси ўринбосари, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Б.Жумаев маъруза қилди.

— 2008 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови вилоятда қонунчилик талаблари асосида ташкил этилди, — деди нотиқ ўз сўзида. — Мавжуд фуқаролар йиғинларидаги сайловларда 546 нафар раис (оқсоқол) муқобиллик асосида сайланди. Уларнинг 212 нафари илк бор сайланган бўлса, 334 нафар раис (оқсоқол)га қайта ишонч билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар салмоғи йил сайин ортиб бораётир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури вилоятда тўла ижросини топгани эътиборга молик.

Шу билан бирга, йиғилишда юқорида келтирилган қарорда берилган тавсиялар асосида ишлаб чиқилган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар йиғинларида ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини сақлашга доир чора-тадбирлар режаси иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акбар РУСТАМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Шаҳарчалар ҳаётидан

БУНЁДКОРЛИК — ЮРТ КЎРКИ

Зомин туманида янгидан бунёд этилаётган турар-жой бинолари, замонавий ўқув даргоҳлари ва маданий-маиший иншоотлар туман кўркига кўрк қўшиш билан бирга, аҳоли учун қўшимча қулайликлар ҳам туғдирмоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари ҳам яратилмоқда. Туманда хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланаётгани фуқаролар ҳаётининг янада фаровон бўлишига замин яратади.

Йилнинг биринчи чорагида Зомин шаҳарчасида халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ўндан зиёд объектлар ишга туширилди. Хусусан, шаҳарчанинг қоқ марказида, 500 ўринли тўйхона мажмуаси иш бошлади. Янгидан ишга туширилган Зомин трикотаж фабрикаси ҳамда Автосервис хизмати жамоалари ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ.

— «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида олиб борилаётган бунёдкорлик ҳамда ободончилик ишлари тубдан яхшиланди. Қарийб 27 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарчамизда, шу йилнинг ўтган даври мобайнида олти юз минг тупдан ошиқ мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилиб, уларни парваришлашга киришилди. Келгусида мазкур ҳаракат режали давом эттирилиб, кўчаларимиз қиёфасини бундан-да кўркам қиламиз, — дейди «Зомин» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Ўскан Омонов.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Фаолият эътирофи

Оила — жамият таянчи

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар мазмун-моҳиятида оилани мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи.

Оиланинг соғломлигини ундаги муҳит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўзаро иззат-ҳурматни белгилайди».

Дарҳақиқат, халқимизнинг азалий удум ва анъаналари ҳамда ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда фаолият кўрсатаётган ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг омма ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришдаги хизмати катта. Айниқса, маҳалланинг оилани мустаҳкамлашга ва унинг барқарорлигини сақлашга йўналтирилган ишлари, шунингдек, тўй-маросимларни ташкил этиш, оилада содир бўладиган низоларни бартараф этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва яраштириш комиссияларининг яқин ҳамкорлиги ўз самарасини бераётир.

Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорига асосан, мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллаларда тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни муроса йўли билан ҳал этиш, жойларда соғлом турмуш-тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштириш комиссиялари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Хусусан, маҳаллада, оилаларда ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш, хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, турмушда, оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, миллий қадриятларимизга зид, ахлоқ-одоб доирасига сиғмайдиган ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни аниқлаш ва уларга тегишли чора-тадбирлар кўриш, оилавий жанжалларни атрофлича бартараф этиш, тўй-маросимлар ва улар билан боғлиқ турли тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш каби масалалар шулар сирасига киради.



Бундан ташқари, айни пайтда оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишда фаол иштирок этаётган яраштириш комиссияларининг роли ҳамда нуфузини янада оширишга қаратилган талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг тегишли қўшма қарорига асосан, фуқаролар йиғинларининг «Энг фаол яраштириш комиссияси» республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад эзгу анъаналаримизга таянган ҳолда никоҳдан ажралишлар ва оилаларнинг барбод бўлишига имкони борича йўл қўймаслик учун илғор тажрибалар ҳамда прогрессив илмий ёндашувлардан кенг фойдаланаётган яраштириш комиссияларининг ибратли фаолиятини оммалаштиришдир.

МАЪНАВИЯТ > [4]

Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.

КАСАНАЧИЛИКДА ЎН МИНГ КИШИ

Андижон шаҳридаги Ўз Донг ЯН КО Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси жамоаси томонидан ёшларни иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилянти. Жумладан, шаҳардаги машинасозлик ва маиший хизмат кўрсатиш коллежини битирган ёшлардан бир гуруҳи корхонага ишга қабул қилинди.

— Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари тавсияси ва туман бандликка кўмаклашувчи марказ йўлланмаси билан ишга келган 9 нафар битирувчи уч ойлик шогирдлик муддатидан сўнг ишчилар сафига қўшилди, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Аҳмаджон Сиддиқов. — Яна йигирма нафар ўсмир ўзлари истиқомат қилиб турган жойда касаначилик асосида фаолият юритиб, автомобиллар учун зарур бўлган жиҳозларни тайёрлаб бермоқдалар.

Ўтган йили вилоят миқёсида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида 30 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди. Шу билан бир қаторда, касаначиликни ривожлантириш орқали ўн мингта яқин иш ўрни яратилгани ҳам қувонарлидир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Оила— маҳалла—мактаб ҳамкорлиги

УЧ МУҲИМ БЎҒИН

оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги дўстона, соғлом ҳамкорлик эртамиз иқболига кафолатдир

Ҳаётнинг барча жабҳаларида, кундалик турмушда учрайдиган ҳар қандай ютуқ ва камчиликлар, энг аввало, маҳаллаларда кўзгудагидек акс этади. Шу боис, ҳар бир оила, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар муаммоларини ўрганиш, уларнинг манфаатларини мунтазам равишда ҳимоя қилиш, тарбияси оғир болалар учун оилада яратилган шарт-шароитларни таҳлил этиш, улар билан маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб бориш маҳалла маслаҳатчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоятимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 299 нафар маслаҳатчи фаолият кўрсатмоқда. Улар одамлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришдан ташқари, ҳар бир оиланинг яқин маслаҳатчилари ҳамдир. Шунингдек, маҳаллаларда жиноят кўчасига кирган ёшларни тўғри йўлга солиш, жиноят содир этишнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. «Маҳалла» жамғармаси, ҳуқуқ-тартибот идоралари, халқ таълими тизими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида тартиббузарлик содир этган, назоратсиз қолган болаларга тегишли ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ишда ҳам маслаҳатчиларимиз бошқош.

Маҳалланинг негизи оила, мактаб эса таълим-тарбия ўчоғидир. Демак, ана шу бир-бири билан чамбарчас боғлиқ учта муҳим бўғин жамиятимизнинг тинчлиги ва бирдамлиги, маънавий қудратини мустаҳкамлашда алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам «Оила—маҳалла—мактаб» концепцияси мамлакатимизда жамоатчилик томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Навоий шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби шаҳардаги энг намунали билим даргоҳларидан. Мактаб ўқитувчилари нафақат ўқувчиларнинг, балки ота-оналарнинг ҳам яқин маслаҳатчиси, ҳамкори. Шаҳардаги «Умид», «Мурувват», «Ғалаба», «Ўзбекистон», «Баҳор» каби маҳаллалар аҳолиси мактабда ташкил этилган ахборот-ресурс марказидаги мавжуд 19 мингта яқин китобдан эркин фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, улар мактаб компьютер марказида компьютер саводхонликларини оширишлари ҳам мумкин.

Билим даргоҳи, маҳалла ва оила ўртасидаги ҳамкорлик туфайли мактабда диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби хавфли иллатларга берилган ўқувчилар умуман йўқ. Ўқувчилар ўртасида кейинги етти йилда бирорта жиноят содир этилмаганлиги ҳам, аввало, ота-оналар, маҳалла ва мактаб ўртасида ўрнатилган яхши муносабат самараси, албатта.

Ўтган йили мактаб жамоаси ЮНЕСКО бирлашган мактаблари тармоғи лойиҳаси бўйича «Янгилик маркази» халқаро танловида иштирок этди. Жамоанинг «Соғлом таълимни ривожлантириш» йўналишидаги лойиҳаси ЮНЕСКО томонидан яхши баҳоланди. Бу ҳақда Париждан мактуб келди.

Буларнинг барчаси оила, маҳалла ва мактаб ўртасидаги дўстона, соғлом ҳамкорлик муҳити яратилгани эвазига қўлга киритилган ютуқлардандир.

Ҳеч ким онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Нотўғри тарбия, носоғлом турмуш тарзи, аввало, оиладаги ёмон муҳит болага кучли салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ота-оналар фарзанд тарбиясидаги масъулиятларини унутиб, ўғил ёки қизларининг ножоиз хатти-ҳаракатлари сабабини кўпроқ мактабдан излашга ҳаракат қилишади. Баъзида ўқитувчилар боланинг мактабдаги хулқ-атвори ҳақида гапирсалар, айрим ота-оналар фарзандларини оқлаб, вазиятни тўғри тушуниш ўрнига, ҳамма айбни мактабдан қидиришади.

Тўғри, мактаб — таълим-тарбия ўчоғи. Бола мактабда илм-маърифат олади, оқ-қорани танийди, камол топади. Лекин бу фарзандининг қаерда, қачон, кимлар билан, нималар қилиб юрганлигини ота-она назорат қилиши шарт эмас, деганимас. Кейинги йилларда вояга етмаганлар томонидан қўл урилган ўғрилик жиноятининг аксарияти ярим тунда содир этилганлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай пайтда фарзанди қаерда, кимлар билан юрганлигини аввало, ота-оналар билиши шарт эмасми?

Доноларимиз тарбия саодатдир, деб бежиз айтишмаган. Болани ўз ҳолига ташлаб қўйсак, қаерда, кимлар билан юрганига бепарво бўлсак, ўқитувчиси боланинг хатти-ҳаракатидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олайлик, деб ота-она билан маслаҳатлашгани келганда, уни нотўғри тушунсак, бола тўғри йўлдан тойиб, эгри йўлга кириб қолиши, бир кун келиб ҳаромдан ҳазар қилмайдиган кимсага айланиб, жиноят кўчасига кириб кетиши ҳеч гап эмас.

Оиладаги муҳитни соғломлаштириш, тарбияни тўғри йўлга қўйиш нафақат маҳалла фаолларининг ёки ички ишлар идоралари ходимларининг, балки бутун жамоатчиликнинг вазифаси бўлмоғи лозим. Ана шунда фарзандларимиз юртга, миллатга муносиб инсонлар бўлиб вояга етадилар.

Бир сўз билан айтганда, «Оила—маҳалла—мактаб» бирдамлиги эртамиз иқболига кафолатдир.

Раъно ШЕРБЎТАЕВА,
«Маҳалла» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси.

Йиғин раисининг кўнглида нима гаплар бор?

ҲАМ ФАХРИМ, ҲАМ ҚУВОНЧИМ

Ҳалол меҳнат инсонга нафақат роҳат, балки обрў ва эътибор ҳам келтиради. Бу эзгу одатни ўзига касб қилиб олган, умрининг мазмуни деб билган инсонлар маҳалладошларимиз орасида кўпчиликни ташкил этади. Маҳалламиз ҳудудидаги 83 та фермер ва 23 та деҳқон хўжалигида ишлар аниқ-пухта ташкил этилгани мўл ҳосил олишда бош омил бўлаётганидан қувонмай бўладими, ахир?! Тадбиркору ишбилармонларимиз эришган ютуқлар самарасидан эл баҳраманд бўлади, албатта.

6850 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламизда бугунги кунда эмин-эркин меҳнат қилиб, фаровон яшаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ўн йил муқаддам Жиззах тумани таркибида бўлган маҳалламиз шаҳар ҳудудига қўшилганидан сўнг унинг инфратузилмаси мустаҳкамланди. Қарийб бир миллиард сўм эвазига маҳалла қўрғонлари тўлиқ электрлаштирилиб, аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига эҳтиёжи қондирилди. Ички йўллар таъмирланиб, тартибга келтирилди. Тиббиёт маскани ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари янгидан бунёд этилди. Тадбиркор ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиб берилгани натижасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръати ошди. Маҳалла ҳудудида 17 та хусусий корхона барпо этилиб, уларда савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иши йўлга қўйилди. Натижада маҳаллада мулкдорлар сафи кенгайди.

Тадбиркорларимиз ўз томорқа ерларида помидор, бодринг ва лимон сингари харидоргир маҳсулотлар парваришламоқда. Айрим тадбиркор-деҳқонлар мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари етиштириб, даромад кўришмоқда. Айни пайтда ҳудудимизда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлайдиган, сутни қайта ишлайдиган кичик цех ва хусусий корхоналар барпо этиш учун иш олиб борилаётир.

Ўтган йили ҳудудда 24 та ёш оила уй-жойга эга бўлгани, 21 та оилада яшаш шароитининг тубдан яхшилангани, 4 нафар боланинг хатна, 6 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйлари маҳаллий тадбиркор ва ишбилармонлар кўмагида ўтказилгани халқимизнинг ёш авлод тақдири ва келажаги учун астойдил қайғуришидан далолатдир.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳиммати билан 8 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар ҳисобидан, йил давомида 278 миллион сўм сарфланди. Айни чоғда, маҳалладошларимиз мурувватга муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олишга, айниқса, ногиронлар, ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийларини рағбатлантиришга киришган.

"Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Фуқаролар йиғинларининг энг фаол яраштириш комиссияси" республика кўрик-танловида иштирок этган йиғинимизнинг яраштириш комиссияси шаҳар ва вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритди. Республика босқичида рағбатлантирувчи мукофотга эга бўлди. "Маҳоратли ва матонатли профилактика инспектори" номинацияси бўйича ўтказилган танловда маҳалла профилактика нозири Норимқул Ғозиевнинг иш фаолияти юқори баҳоланиб, у рангли телевизор билан тақдирланди.

Бу каби тадбирлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам уюшқоқлик билан давом эттирилади. Урф-одатларимизни қайта тиклашга, қишлоқ аҳлининг маънавий дунёсини янада бойитишга астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Меҳри МУҲСИНОВА,
Жиззах шаҳридаги "Жилли-ғулли" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Фаолиятдаги фаолларимиз

САОДАТИ ШУДИР АЁЛНИНГ

Кузнинг сўнгги кунлари эди. Даладаги пахтани охирги чаноқларигача териб олиш учун кураш борарди. Пахтазорда кутилмаганда чақалоқ йиғиси янгради. Бу товуш дала четидаги қўштут томондан келарди. Йўқ, бу эртак ҳам, чўпчак ҳам эмас, ўтган асрнинг эллигинчи йилларида қишлоқда содир бўлган оддий воқеа, холос.

Ўшанда ой куни яқинлашиб, ўзини беҳол сезган Санобар опа пахта теримига чиқмаган эди. Тумандан келган вакиллар уйига бориб, «Сен меҳнат фронтидан қочяпсан», дея дўқ-пўписа қилишади. Пахта даласига базўр етиб келган аёлни бирдан тўлғоқ тутиб, қўштут тагида кўзи ёрийди.

Лавҳамиз қаҳрамони Шаҳзода опа ана шундай дунёга келган.

Тақдирни қарангки, Шаҳзода болалигидан далага меҳр қўйди. Ўсиб улғайиб, боғчада тарбиячи бўлиб ишласа-да, доимо далани қўмсарди. Охири сабри чидамай далага ишга чиқди. ТИИИМСХ (ҳозирги ТИИМИ) ўқув хўжалигида 20 йилдан кўпроқ пахтачилик бригадасига бошчилик қилди, деҳқончиликда бой тажриба орттирди, пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш сирасорларини ўрганди. Шаҳзода Шохўжаева 2006 йил ўзининг кўпдан буён орзу қилиб юрган ниятига етди — 28,1 гектар ер олиб, «Баҳоводдин Маҳсум» фермер хўжалигини ташкил этди. Ўша пайтда йиллар давомида деҳқончиликда орттирган билими ва тажрибаси қўл келди. Пахта ва ғалла бўйича контрактация шартномаларини йилмайил ортиғи билан бажарди. 2008 йилда эришган натижалари ҳам қувончли бўлди: ғалла бўйича шартнома режасини 111 фоизга, пахта бўйича 104 фоизга уддалади.

—Ер майдонларини оптималлаштириш фермер хўжаликлари учун ҳам синов, ҳам қувончли жараён бўлди,— дейди Шаҳзода Шохўжаева. — Ҳар бир деҳқоннинг ерга меҳр-муҳаббати, фермерликка муносабати, масъулияти синовдан ўтди. Мен ер фарзандиман, деҳқончилик танлаган касбкорим деган, йил якунлари бўйича яхши иқтисодий кўрсаткичларга эришган фермерлар ер майдонларини кенгайтириб, янада кучғайрат билан ишга киришдилар. Бизнинг фермер хўжалигимизга ҳам ер майдони қўшиб берилди. Бу йил 52 гектар ерда деҳқончилик қиляпмиз.

Ҳа, Шаҳзода опа фермерлик йўлини танлаб, асло кам бўлмади. Оиласи даромадига барака кирди, хўжаликка техника сотиб олди. Енгил машинали бўлди.

У Ўрта Чирчиқ туманидаги «Навоий» қишлоқ фуқаролар йиғини «Соф оқ олтин» ҳудуди бўйича фермерларга сардорлик ҳам қилади. Опа асосий эътиборни пахта ва ғалла экинлари ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, далада ишловчи аёл-қизларга шарт-шароит яратиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш масалаларига ҳам қаратмоқда. Айни пайтда Салим Пўлатов маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи сифатида фаолият юритяпти.

— Юртимизда аёл-қизларимиз ардоқда, — дейди Шаҳзода Шохўжаева. — Уларнинг она бўлишлари, фарзандларини тарбиялаб вояга етказишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Боғча, яслилар мунтазам ишлаб турибди. Замонавий туғруқхоналар, шифохоналар улар хизматида. Айниқса, 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилингани қишлоқдаги ислоҳотларга янги мазмун ва маъно киритмоқда.

Пахта даласида дунёга келган қизалоқ — бугун дуогўй буви. У бири биридан ширин невараларига Истиқлол туфайли мустақил юртимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиб, ер эгаси — мулкдор бўлганини, ота-онаси кўрмаган бахтга эришганини шукроналик билан сўзлаб беради. Аслида, инсон бахти, аёллик саодати шу бўлса керак.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

Қарши шаҳридаги «Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини Қашқадарё вилоятидаги обод гўшалардан бири ҳисобланади. Маҳалладаги 643 та хонадонда беш мингдан зиёд аҳоли аҳиллиноқликда умргузаронлик қилмоқда. Эътиборлиси, ҳудуднинг обод ва кўркам бўлишида аҳоли билан бир қаторда бу ерда фаолият кўрсатаётган «Ҳамро» ишлаб чиқариш фирмаси, «Макс даво» шифохонаси, «MUM Construction» каби корхона ва ташкилотлар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Хусусан, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишлари маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан бамаслаҳат амалга оширилаётир.

СУРАТДА: *«Хонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Файзулла Маманов (чапдан иккинчи) йиғин фаоллари билан келгусидаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.*

Тажриба

НУРОНИЙЛАР ИБРАТИ

ёшларга ғайрат бағишлайди

Турмушимизда кўпни кўрган қарияларнинг қадри баланд. Зеро, уларнинг ўгитлари мисоли йўлчи юлдуздек муаммоли масалаларни ечишда етакчи омилдир. Шу боис, кайвониларнинг бой ҳаётий тажрибасига ҳар доим эҳтиёж сезамиз. Фуқаролик жамиятини барпо этишда, айниқса, нуронийлар ибрати муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ёшлар миллий менталитетимизга хос қадриятлар, анъаналарни кексалардан кўриб, эшитиб, ўрганишади.

Туманимизда 13 минг 224 нафар пенсионер истиқомат қилади. Уларнинг 72 нафари уруш фахрийларидир. Биз уларни жамоатчилик ишларига жалб этиш мақсадида йиллик иш режа тузиб олганмиз. Ҳар доим уларнинг маслаҳатига амал қиламиз.

"Нуроний" жамғармаси Пахтачи тумани бўлинмасида жамоатчилик марказлари очилган. Марказ ташаббуси билан нуронийлар иштирокида маҳалла, мактаб ва коллежларда миллий қадриятлар, анъаналар ва урф-одатларимиз ҳақида суҳбатлар, учрашувлар мунтазам ташкил этиляпти.

Бу йил нуронийларнинг тарғибот гуруҳини ташкил этмоқчимиз. Унга катта ҳаётий тажрибага эга, халқ орасида обрў-эътиборли фаолларни, зиёлиларни жалб этамиз.

Албатта, фаолиятимизда нуронийларнинг саъй-ҳаракати билангина чекланмоқчи эмасмиз. Бўлинмамиз ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйган. Чунончи, ўтган йили ёшларни иш билан таъминлаш учун туман ҳокимлиги, прокуратура, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида бир неча марта "Бўш иш ўринлари ярмаркаси"ни ташкил этдик.

Нуронийларнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятини матбуотда кенг ёритиб, эзгу ишларини ёшлар орасида тарғиб қилиш ҳам жамғармамиз вазифаларидан саналади. Бундай саъй-ҳаракатлар кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўринларини мустаҳкамлайди, улар жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўз тажрибаларидан ёш авлодни баҳраманд этишади. Ёшлар эса ҳаётда, турмушда уларга муносиб ворис бўлишга, ғайрат билан меҳнат қилишга интиладилар.

Тўхтамурод АБДУЛЛАЕВ,
"Нуроний" жамғармасининг Пахтачи тумани бўлинмаси раиси.

ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Маънавий-маърифий меросимиз бўлмиш тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларимиз кундан-кун обод бўлаётир. Бепоён Қизилқум саҳроси бағрида жойлашган Учқудуқ тумани ҳудудида кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд. Бу жойларга зиёратга келувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Шундай зиёратгоҳлардан бири халқ табиби Айбас ўғли Қанарбой номи билан аталади. 2004 йил туман ҳокимлиги ташаббуси билан "Қанарбой ота" хайрия жамғармаси ташкил этилганди. Жамғарманинг саъй-ҳаракати билан зиёратгоҳда янги масжид, айвон қуриб фойдаланишга топширилди, мақбара, меҳмонхона, ошхона қайта таъмирланди. Қудуқ қазилиб, 106 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Эндиликда бу шифобахш сувдан ҳамма баҳраманд бўлмоқда.

Масканда амалга оширилган ободонлаштириш, қўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишларига 118 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу маблағнинг 6 миллион 860 минг сўми жамғарма ҳисобидан, қолган харажатлар эса, саховатли инсонлар ва ҳомийлар томонидан ажратилди. 2004-2009 йилнинг март ойигача жамғарманинг ҳисоб рақамига тушган 34 миллион сўмдан ортиқ маблағ тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, етим болалар ва ногиронларни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун "Қанарбой ота" стипендияси ташкил этилган бўлиб, ҳозирда 100 нафардан кўпроқ ўқувчилар ушбу рағбатга лойиқ деб топилди.

О.ЭРГАШЕВА

ЭЗГУ ОДАТ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Ҳозир юртимизнинг қай бир маҳалласига ташриф буюрсангиз, бирор-бир тадбирга гувоҳ бўласиз. Кишиларнинг ўзаро аҳиллиги, ҳамжиҳатлигига хизмат қиладиган бу тадбирлар маҳалланинг юзи ва файзи ҳисобланади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Уйғониш-47" маҳалласида ташкил этилган байрам шодиёналари ва турли йиғинлар ҳамиша кўтаринки кайфият, ўзгача шукуҳ билан ўтади. Куни кеча маҳаллада фаолларнинг саъй-ҳаракати билан баҳорий таом бўлмиш ҳалим пиширилди.

— Маҳалла аҳлининг ташаббускорлиги, бир-бирига бўлган меҳр-оқибатидан доим хурсанд бўламан, — дейди йиғин оқсоқоли Абдулла Мустафоев. — Чунки оқсоқолнинг меҳнати, уринишлари ва ўйлаган эзгу режалари аҳоли ҳамжиҳат бўлгандагина амалга ошади.

Шунинг учун фаолиятимда доим фуқароларнинг кўмагига суянаман. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, сумалак, ҳалим пиширамиз ва хайрли тадбирлар ташкил этамиз. Биласиз, фуқаролар оила ташвиши, кундалик юмушлар билан банд бўлиб, ҳар доим ҳам бир-биридан ҳол сўролмайди. Байрам ва тадбирларда эса ҳамма кўришади, дилга яқин инсонлар ҳолидан хабар олинади. Ахир, ота-боболаримиз "меҳр кўзда", деб бежизга айтишмаган. Шу сабабли, ҳалим, сумалак каби миллий таомларимизни маҳаллаларда пиширишни ташкил этиш, аҳоли жипслигига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, "Уйғониш-47" маҳалласига ташриф буюрган инсон кўчаларнинг тозалиги, саранжом-саришталигини кўриб, баҳри-дили очилади. Бугунги кунда фуқаролар йиғини ҳудудида 7500 дан зиёд турли миллат вакиллари тинч-тотувликда истиқомат қилмоқда.

Эзгуликнинг қаноти кенг, дейишади. Қаранг ҳалим тайёрлаш баҳонасида маҳалланинг кўчалари тозаланибди, дарахтлар оқланиб, кўчатлар ўтқазилибди. Уйидан таом чиқариб, қўшнисидан ҳол-аҳвол сўрашларнику қўяверасиз. Хуллас, шу куни маҳалла аҳли янада жипслашди, ҳалимдан эса қўшни маҳалладагилар ҳам баҳраманд бўлишди. Бемор, ногирон, кекса ва кам таъминланган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, барча хонадонларга ҳалим тарқатилди.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

ҚИШЛОҚДА СЕРВИС ХИЗМАТИ

Бир вақтлар бошқа давлат тугул, қўшни вилоят билан телефонда сўзлашув учун телеграф залларида соатлаб кутишга мажбур бўлган навоийликлар бугун дунёнинг хоҳлаган мамлакати билан уйларида ўтириб, бемалол боғланиш имкониятига эга бўлдилар. Бунга алоқа корхоналарига энг замонавий техника келтириб ўрнатилганлиги, соҳада хусусий секторни роли ошганлиги туфайли эришилди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача сервис ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ҳам Алоқа ва ахборотлаштиш агентлиги зиммасига қишлоқ жойларида телекоммуникация соҳасида ахборот-сервис инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилган.

Ўтган 2008 йилда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, вилоят қишлоқларида 15 га яқин кичик тадбиркорлар субъекти ўз фаолиятини бошлади.

Хатирчи тумани Навоий вилоятининг энг катта ва аҳолиси зич ҳудудларидан бири ҳисобланади.

— Туманимизда 5193 та телефон нуқтаси мавжуд, — дейди туман алоқа боғланмаси бош муҳандиси Алишер Аҳадов. — Шундан 3041 таси шаҳар, 2152 таси эса қишлоқ аҳолисига хизмат қилмоқда. Телефонларнинг 70 фоизи рақамлаштирилган.

Соҳада кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида тажрибали алоқачи Файзулла Норқобилов 2008 йилнинг сентябрида диллерлик шартномаси асосида «Алоқа Шамс Сервер» корхонасини ташкил этди.

У ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, Чечак ота номли, «Боғишамол», «Урганжи» маҳаллалари аҳолисига ва 18-мактаб педагогик жамоасига намунали хизмат кўрсатмоқда. Хўжалик ҳудудидаги қишлоқларда жами 208 та телефон нуқтаси мавжуд бўлиб, аҳоли сифатли сервис хизматидан мамнун. Бугунги кунда барча қишлоқларда шаҳарлараро алоқа тўлиқ ўрнатилди. Халқаро сўзлашувга ҳам имконият етарли.

М.АТОҚУЛОВА,
«Mahalla» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

УЙЛАРИ ШИНАМ, КЎЧАЛАРИ РАВОН

қишлоқнинг шаҳардан-да қолишмайдиган гўшага айлантиришга бел боғлаган фуқаролар йиғини фаолларининг келажакдаги режалари янада улкан ва хайрли.

[1] >

Жорий йилда томорқа хўжаликларидан фойдаланиш, фермерлар даласида ҳам иссиқхоналар барпо қилиш, боғ-роғлар яратишга эътибор ортди. Шу йилнинг январь-февраль ойларида қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 6 та фермер хўжалигида помидор, булғор қалампири ва карам кўчатлари етиштирадиган 6 та иссиқхона барпо этилди. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини томонидан уй-жой ва томорқа учун ажратилган 28 гектар майдонда резавор экинлар ва сабзавот етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинида ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун барча шароитлар яратилаётир. Тадбиркор Акбар Гадоев яқинда паррандачилик фермасини ташкил этди. Бу ерда ҳозир 700 та товуқ боқиляпти. Яна бир тадбиркор Юнус Шарипов ўтган йили қишлоқ ҳудудидаги сув тўпланиб қоладиган, ташландиқ ерда балиқчилик ҳавзасини бунёд эттанди. Унинг ҳаракатлари бесамар кетмади. Балиқчилик ҳавзасида 3 тонна балиқ етиштирилди. Ички касалликлар шифокори Исоқул Холбоев 15 нафар беморга хизмат кўрсатадиган хусусий шифохона очиб, элга нафи тегмоқда. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган шифо маскани қишлоқ аҳлини 15-20 километр йўл босиб, туман марказидаги шифохонага қатнаш ташвишидан халос қилди. Бу ерда касалликка ташхис қўйишдан тортиб, даволаш ишларигача амалга оширилади. «Дони» уруғчилик фирмаси раҳбари Рифат Майербеков сабзавот ва полиз уруғлари сотадиган дўкон очганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Фирманинг уруғчилик маҳсулотлари 38 гектар майдонда етиштирилмоқда.

Қишлоқ йилдан йилга ободонлашиб боряпти. Боғроғлар барпо қилиш қишлоқ аҳлининг жони-дили. Биргина Наврўз байрами арафасида фуқаролар йиғини ҳудудида йўл бўйларига 2,5 минг туп мевали, 10 минг туп манзарали, 8 минг туп тут кўчатлари экилди.

Қишлоқни шаҳардан-да қолишмайдиган гўшага айлантиришга бел боғлаган, одамлар ташвиши билан яшаб, меҳнат қилишдан чарчамайдиган Усмон Юсупов номли қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг келажакдаги режалари янада улкан ва хайрли. Чунончи, жорий йилда «Туркистон» маҳалласига 800 метрли қувур орқали тоза ичимлик суви келтириш, йўлларни тўлиқ таъмирлаш, «Янги ҳаёт» ва «Истиқлол» маҳаллаларида 2 та новвойхона қуриш, ҳудудда енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатадиган устахона барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш қишлоқ фуқаролар йиғининнинг фаолиятида етакчи вазифа бўлиб турибди.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Маслаҳатчи минбари

МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИ

маҳалла аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги ва осойишталигини таъминлашда бош омил бўляпти

Маҳалламиздаги 371 та хонадонда икки ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Фуқароларнинг бандлигини таъминлаш масаласи — бугунги кунда йиғин мутасаддилари олдида турган энг асосий вазифалардан бири.

Негаки, турли ножўя хатти-ҳаракатлар, номақбул ишлар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис, маҳалладошларимизни мутахассислиги, касб-кори бўйича иш билан таъминлашга эътибор қаратяпмиз. Айни пайтда маҳалламизда иш ўринлари кўп, ишлайман, меҳнат қиламан, деганга имкониятлар етарли, муҳими, иш излаб, хорижга кетаётганлар йўқ. Шоназар Норбоев, Зулфия Машарипова, Нуриддин Бекжонов, Қадамбой Султонов сингари тадбиркорлар маҳалла гузарида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиб, ёшларни ишга жалб этишган. Тумандаги бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ўтказилган меҳнат ярмаркасида ҳам кўплаб фуқаролар доимий иш жойига эга бўлдилар.

Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан 17 нафар кишига қорамол боқиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди. Бу каби муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилаётгани аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, барқарорлик ва фаровонликка замин яратяпти.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, ҳудудимизда тўй-маъракалар ихчам, камчиқим, энг муҳими, мазмунли ўтяпти. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида камдаромад оилалар ҳам фарзандларининг тўйини ўтказишда иқтисодий тақчиллик сезмаяпти. "Ким ўзар"га дабдабали тўйларни ўтказиш фақат ортиқча чиқимга сабаб бўлишини, бироқ ёш келинкуёвлар учун зарур бўлган бахтни, тотувликни беролмаслигини тушунтириб, олиб борган тарғибот ишларимиз самарасиз кетмаганини шундан ҳам билса бўлади. Дабдабалар учун совуриладиган пулни ёш оиланинг рўзғорини бутлашга, фарзандларимизнинг таълим олиши учун етарли шарт-шароит яратиб беришга сарфласак, айни муддао бўлади.

Ҳудудимизда ибратли оилалар кўп. Исмоил ота Сайдаматов ва Норгул ая саккиз нафар фарзандни тарбиялаб, касб-корли, уйли-жойли қилди. Полвонназар ва Аҳмаджон Рўзиматовлар оиласи ҳам эл-юрт ишига камарбаста фарзандларни камолга етказиб, кўпнинг назарига тушган. Хонадонларига борсангиз, гуллар, мевали, манзарали дарахтларни, озодалик ва саранжом-саришталикни кўриб, дилингиз яйрайди.

Ҳудудимиздаги 38-сонли умумтаълим мактаби қошида "Оила маркази" ишлаб турибди. Унга фахрий муаллима Ш.Бобожонова раҳбарлик қилади. Марказда кийиниш ва муомала одоби, қайнона-келин муносабатлари, фарзанд тарбиясига оид давра суҳбатлари тез-тез ўтказиб турилади. Бундан ташқари, "Гулсевар оила", "Китобхон оила", "Спортчи оила" каби кўрик-танловларни мунтазам ташкил этиб, ғолибларни рағбатлантириб боряпмиз.

Турмушда турли тушунмовчиликлар, айниқса, янги оила қурган айрим ёшлар ўртасида келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида ёшлар, аёллар билан якка тартибда тушунтириш ишлари йўлга қўйилган. Маҳалламизда кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган Ражаббой Матқурбонов, Отабой Болтаев, Тўтижон Оллаберганова, Онажон Сариева, Онабиби Ҳабибуллаева каби пиру бадавлатларимиз билан тез-тез учрашувлар ташкил этиб, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёшларни воқиф этиб боряпмиз.

Маънавий муҳит барқарорлиги аҳиллик, ҳамжиҳатлик, маҳалла осойишталигини, орасталигини таъминлашда бош омил бўляпти, десам адашмайман. Хонадонлар ва кўнгиллар ободлигига маслаҳатчи сифатида баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан беҳад мамнунман.

Раъногиби АБДУЛЛАЕВА,
Урганч туманидаги "Олтин кўл" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Саноат

ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ КОРХОНА

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида хомашёни қайта ишлаш натижасида 200 минг тонна импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Натижада ички бозорда ушбу маҳсулотга бўлган талаб тўлиқ қондирилади ва хорижга 90 минг тоннагача калийли ўғитлар экспорт қилинади.

Тепақўтон туз кони негизида барпо этилаётган, бир йилда 700 минг тонна хомашё қазиб чиқаришга мўжалланган бу муҳим объектни жорий йилнинг сўнгги чорагида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Айни кунларда «Рудник» деб аталадиган тоғ-кон мажмуасида 200 дан зиёд ишчи ҳамда ўнлаб махсус техника ва механизмлар кечаю кундуз юқори унум билан ишламоқда. Қурилиш бош пудратчиси Россиядаги Ғарбий Урал машинасозлик концерни ҳисобланади. Ҳозирда мажмуанинг ер устида жойлашган объектларини барпо этиш бўйича умумий иш ҳажмининг тўртдан бир қисми бажарилди.

Мажмуанинг ер остидаги қисмида Тепақўтон кони хазинасини ер юзига чиқариш учун қиялиги 6 даражага тенг иккита лаҳим барпо этиляпти. Тез орада шахтага «Урал-20Р» русумли тоғ комбайни киритилади ҳамда тоғ жинсларини махсус бункерларга узатиш имкони яратилади. Режа бўйича шу йилнинг июль ойи бошида дастлабки калий хлор, яъни калий тузи қазиб олина бошланиши керак.

— Тоғ-кон мажмуасининг ер остидаги ва ер устидаги объектлари ҳудуднинг сейсмик ҳолатини чуқур ўрганган ҳолда ўта мустаҳкам қилиб барпо этиляпти, — дейди концерн раҳбари Александр Поздеев. — Бу бизнинг маҳаллий мутахассислар билан елкамаелка туриб, зиммадаги масъулиятни, белгиланган вазифаларни чуқур англаб, ишлаётганимиз самарасидир. Аҳиллик ва ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлар объектни шу йил охиригача топшириш режасини уддалаш имконини беради.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...

Пул топиб, яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш, жон қойитиш лозим. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз: "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", дея бежизга айтишмаган. Афсуски, орамизда фикру хаёли соддадил одамларни алдаб, фириб бериб мўмай маблағ топиш пайида бўладиган кимсалар ҳам учраб туради.

Қумқўрғон туманидаги "Жалоир" маҳалласида яшовчи Нодир Хидиров ўз нафси йўлида юртдошларини алдаш-дан, ўзганинг ризқига хиёнат қилишдан тап тортмади. У беш йилнинг нари-берисида Россиянинг Иркутск шаҳридаги қурилиш ташкилотларида ишлаб, оғирнинг устидан енгилнинг остидан ўтишга одатланди. Кейин бу "ҳунари"ни қишлоқдошларида синаб кўрмоқчи бўлди.

"Бешқаҳрамон" фермерлар уюшмасининг "Боғора" маҳалласида истиқомат қилувчи қариндоши Тошжамол Бойназарова билан жиноий тил бириктириб, таниш-билишлари орасида "тарғибот-ташвиқот" ишлари олиб борди. Хусусан, Россияда сердаромад иш борлиги, бориб ишлашни истовчилар бўлса, ёрдам беришларини айтди.

— Ҳар бир кишига 500-600, яхши ишлаганларга 800-1000 АҚШ долларигача иш ҳақи берилади, — деди Н.Хидиров ҳаволаниб. — Озиқ-овқат, ётоқ-жой бепул. Мен ҳам сизлар билан бирга ишлайман. Иш ҳақларингизни ўз вақтида берилишига кафилман.

Нодирнинг "отган ўқи" нишонга тегди. Одамлар унинг таклифига тезда кўнишди. Ҳамтовоқлар 2007 йилнинг 19 августида 10 нафар, 30 сентябрь куни эса 11 нафар фуқародан 100 минг сўмдан йиғиб олишди. Ёлланма ишчилар айланма йўллар орқали Иркутск шаҳрига етиб келишди. Орадан бироз вақт ўтиб, яна 6 нафар "боғора"-лик фуқаро улар сафига қўшилди. Йигитлар барча қийинчиликларга чидаб, меҳнат қилишди. Лекин иш ҳақларини олишолмади. Чунки Нодир уларга тегишли пулларни ўзининг шахсий манфаатига ишлатиб юборган эди.

Н.Хидиров бундай ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми ва 168-моддаси 2-қисми "б,в" бандида кўрсатилган жиноятни содир этди. Ачинарлиси, ёши бир жойга борган Т.Бойназарова ҳам Н.Хидировга қўшилиб, ушбу жиноятга шерик бўлди.

Мазкур жиноят иши судда кўрилганда Нодир Хидиров ва Тошжамол Бойназарова айбига қисман иқрор бўлишди. Одамларни хорижга ишлаш учун олиб борганликларини тан олиб, 100 минг сўмдан пул йиғмаганликларини айтишди. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек, жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар уларнинг айбдорлигини тасдиқлади.

Қилмиш — қидирмиш, дейдилар. Жиноятчилар қилмишига яраша жазосини олди. Аслида меҳнат қилиб, даромад топиш айб саналмайди. Бироқ ҳақ-ҳуқуқимизни, тегишли қонун-қоидаларни чуқур билиб, шулар асосида ишласак, тер тўксак, халқимиз ибораси билан айтганда, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди.

З.ШОНИЁЗОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман суди судьяси.

Дунёдан дараклар

Она... судда жавобгар

Австриялик фуқаро ўз онасини кўп қўнғироқ қилгани учун судга берди.

Даъвогарнинг сўзларига қараганда, онаси унга бир кун давомида ҳатто 49 мартагача қўнғироқ қилган. Можарони кўриб чиққан суд 73 ёшли кампирга икки ярим йил давомида бирон бир масала юзасидан ўғлини безовта қилмаслик жазосини тайинлаган. Шунингдек, онахонга 360 евро миқдорида жарима ҳам белгиланган. Австрия жанубида истиқомат қиливчи онанинг судда берган кўрсатмасига кўра, ўғли у билан умуман гаплашмай қўйган. Фарзанд соғинчи ўртагани боис шунчалик кўп телефон қилган. "Мен шунчаки у билан гаплашишни хоҳлагандим. Мен билан на ўғлим, на қизим гаплашади. Неварам 15 ёшга кирди, лекин мен уни ҳали бирор марта кўрганим йўқ", — дейди она кўзда ёш билан.

Топилдию ...еб юборилди

Филиппин ороллари балиқчилар акулаларнинг жуда кам учрайдиган тури — катта оғизли акулани тўрга илинтиришди.

Бундай ноёб акула ушлангани ҳақида мамлакат табиатни асраш уюшмаси маҳаллий вакилларига хабар берилган. Гап шундаки, улкан денгиз жониворини тутиш жуда мушкул иш. Бунинг учун бир неча ойлик, ҳатто йиллик изланишлар талаб қилинади. Унинг бўйи тўрт метр, оғирлиги эса ярим тоннадан ошиқроқ деб баҳоланган. Шу сабабли маҳаллий балиқчилар акулани илмий институтга топшириш учун мўмайгина пул сўрашди. Бироқ табиатни муҳофаза қилиш уюшмаси ходимлари бундай пулни беришдан бош тортишган. Оқибатда ўлжа кундалик маиший мақсадлар йўлида ишлатиб юборилди. Олимларнинг фикрига кўра, бундай акулаларнинг ҳудудда пайдо бўлиши мамлакатнинг экологик жиҳатдан етарли даражадаги шароитларга эга эмаслигидан далолатдир.

Ёлғизликдан зерикиб...

Берлиндаги ҳайвонот боғида бир аёл Кнут ва бир неча оқ айиқлар сақланадиган майдонга сакраган.

Айтиш жоизки, Кнут лақабли оқ айиқча Германияда анча машҳур бўлиб кетган. 2006 йилда онаси воз кечганидан кейин ҳайвонот боғига топширилган айиқча тўғрисида ҳужжатли фильм ҳам ишланган. Аввалига Кнут меҳмонни илиқ қарши олган, аммо "катталар" аёлга ташланишиб, бир неча жойидан қаттиқ жароҳатлаган. Яхшиямки, қўриқчилар етиб келишди. Ҳозирча аёлнинг нега бундай ҳаракат қилгани номаълум. Лекин 2008 йил декабрда 37 ёшли эркак айиқлар олдига тушган ва у ўз ҳаракатини ёлғизликдан зерикканликда деб журналистларга баёнот берганди.

Қалампир ейиш бўйича... чемпион

Ҳиндистоннинг Ассам штатида яшовчи Анандита Дутта Тамули аччиқ қалампир ейиш бўйича ўзига хос рекорд ўрнатди.

29 ёшли бу аёл бирданига 51 дона энг аччиқ гармдорини паққос туширди. Қалампирлар ейилишини Британиядаги таниқли пазандачилик шоу дастури бошловчиси Гордон Рэмси ва унинг суратга олиш гуруҳи кузатиб турди. Тамулининг айтишига кўра, аввалроқ, яъни 2006 йилда 60 дона қалампирни еб, мамлакатдаги барча гармдорихўрларни лол қолдирган. Бу сафар гармдорилар сонини 60 тадан ошира олмагани учун у ўз ҳаракатидан норози. Айтиш жоизки, бу мамлакатда аҳоли томонидан аччиқ қалампирлар жуда кўп истеъмол қилинади. Шу сабабли маҳаллий олимлар томонидан уларнинг янада ўткирроқ турларини кашф қилиш борасида мунтазам изланишлар олиб борилади.

Интернет хабарлари асосида Муҳайё Рустам қизи тайёрлади.



Фарғона вилояти Риштон туманидаги «SIMAX F+Z» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда замонавий технология асосида юқори сифатли чинни буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Шарқона безак ва нозик дид билан ишланган маҳсулотларнинг бозори чаққон.

Мазкур корхонада фаолият юритаётган етук мутахассисларнинг самарали меҳнати ютуқлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Юздан зиёд йигит-қизларни бирлаштирган корхонанинг келажакдаги режалари бисёр.

СУРАТЛАРДА: *корхона ҳаётидан лавҳа.*
"Mahalla" мухбири А.МИРЗАБОЕВ фото лавҳаси.

"Mahalla" жавоб беради

НАФАҚА ТЎЛАНИШИ ШАРТ

Савол: *— Мен тикувчилик корхонасида ишлайман. Яқинда ишдан қайтаётиб, автоҳалокатга учрадим. Оғир жароҳатим туфайли бир ой шифохонада даволандим. Корхона менга моддий ёрдам кўрсатмади. Раҳбарга учрашсам, автоҳалокат иш вақтида содир бўлмаганини рўкач қилди. Айтингчи, ишдан ташқари ҳолатларда юз берган турли кўнгилсиз воқеалар учун ишхона моддий ёрдам кўрсатмайдими?*

Ш.АБДУРАҲИМОВ, Гулистон шаҳри

Жавоб: *— Ушбу ҳолатда сиз вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олишга ҳақлисиз. Меҳнат кодексининг 285-моддасига асосан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлганда, иш жараёнида майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан, турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий ва курортда даволанганда ҳамда протез қилинганда тўланади.*

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддати (умумий иш стажи), қарамоғидаги вояга етмаган болаларнинг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача бўлган миқдорда тўланади.

Шунингдек, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ ҳолатларда касаллик варақаси асосида берилади.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Жавобларни ҳуқуқшунос О.ҲАКИМОВ тайёрлади.

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

Бу йил баҳорнинг сергёгин келганидан чорвадорнинг чеҳраси ёруғ, боғбоннинг дили чароғон, деҳқоннинг кўнгли тўқ. 14-15 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарида 1,5 миллион туп мевали ва 10 миллион туп-дан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилди, янги боғлар, ўрмонзорлар барпо этилди.

— Экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, жомбойлик уста боғбон Аваз бобо Эргашев. — Ниҳол ўтказилса, бу амал олди, дегани эмас. Ёш ниҳолларга парвариш керак. Ўшанда боғларимиз бутун бўлади. Кўкармай қолган ниҳолларнинг ўрнига келгуси йили бошқасини экиш мумкин. Бироқ бу бир йиллик вақт бекорга кетди, деганидир. Шу вақтда ниҳол мустаҳкам илдиз олиб, бир қулоч бўй чўзиши мумкин. Парваришга берилган эътибор кечаги меҳнатнинг зое кетмаслигига, эртанги кун ҳосили мўл бўлишига яратилган заминдир.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

«УЧҚУДУҚ МАРВАРИДИ»

Бугун истеъмолчилар ҳар қандай маҳсулотнинг сифатига жиддий эътибор беради.

Маҳсулот бозор талабига жавоб берса, харидоргир бўлиши табиий. Яқинда «Рўзи Хўжам» хусусий корхонасида «Учқудуқ марвариди» номи билан йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мазкур маҳсулот таъми, тозалиги ва сифатли йодлангани билан истеъмолчилар талабига мос келаётир.

— Корхонамиз бир ойда 300 тонна ош тузи ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу нафақат туман аҳлига, балки қўшни ҳудудларга ҳам аҳоли саломатлиги учун фойдали ош тузини сотиш имконини беради, — дейди корхона раҳбари Гулнора Рўзиева.

М.АТОҚУЛОВА,
"Mahalla" мухбири.

Фаолият эътирофи

Оила — жамият таянчи

[1] >

Қарши тумани «Лағмон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 770 та оилада 3600 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада яраштириш комиссияси тегишли низом асосида фаолият юритиб келмоқда. Унинг таркибига туман ички ишлар бўлими профилактика ва вояга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари, хотин-қизлар комиссияси раиси, маҳалла имом хатиби, фахрийлар киритилган. Мазкур йиғин раиси Дилором Норова яраштириш комиссиясига ҳам бошчилик қилади. Эътиборлиси, бу ерда қатор амалий ишлар қилинмоқда. Мисол учун, ташкил топаётган янги оилалар маълум бир муддат давомида мониторинг қилиниб, уларнинг турмуш тарзи изчил ўрганиб борилади. Бундан ташқари, 30 ёшгача бўлган оилалар шароити, улар нимадан муҳтожлик сезаётгани ва бошқа жиҳатлар эътиборга олиниб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида чора-тадбирлар кўрилади. Айтайлик, бирон-бир ёш оила муҳтожлик сезса, унга ҳомий бириктирилади ёки молия муассасаларидан микрокредит ажратишда ёрдам кўрсатилади. Гап шундаки, 2004—2009 йиллар давомида қурилган оилалар ўртасида ҳозиргача бирорта ҳам ажралиш ҳолати қайд этилмаган. Бу, албатта, қилинаётган хайрли ишларнинг самарасидан далолатдир.

Вилоят «Она ва бола скрининг маркази» билан йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик кутилган натижани бермоқда. Жумладан, ҳар ойда ҳомиладор аёллар тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Бунинг самараси туфайли кейинги олти йил давомида оғир касалликлар қайд этилмади ҳамда аёллар ва болалар ўлими содир бўлмади.

— «Лағмон» маҳалла фуқаролар йиғинимизда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди йиғин раиси Д.Норова. — Кўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, маҳалла ёшлари ўртасида бирорта ҳам жиноятчилик содир этилгани йўқ. Айни чоғда, ички ишлар идораларида нотинч оила ёки бирор-бир диний оқимга мансуб сифатида ҳеч ким рўйхатга олинмаган. Аксинча, маҳаллада ташкил этилган «Ёшлар маркази»да қандолатчилик, новвойлик, косиблик, дурадгорлик, сандиқсозлик каби тўгаракларга кам таъминланган оила фарзандлари жалб этилиб, улар фойдали меҳнат билан шуғулланишмоқда. Йиғинимизда боқувчисини йўқотган оилалар маҳалланинг ҳимоясига олинган. Жумладан, шундай оилага бир бош қорамол ҳадя қилинди, унга уйжой қуриб берилди ва болаларига нафақа тайинланди. Бу ишларга сезиларли улуш қўшган «Мустақиллик меваси» фермер хўжалигининг хайр-саховати туфайли бир оиланинг турмуш даражаси фаровонлашди. Йиғинимиз қошида ташкил этилган «Тўй ва маросимлар комиссияси» томонидан ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда, тадбирларнинг ихчам ва тартибли ўтиши таъминланмоқда. Бунда ҳар бир тўй қилаётган хонадон бошлиғи йиғинимизга келиб, тадбир куни, унинг тартибли, ихчам ўтиши юзасидан фаоллар билан келишади. Эътиборлиси, тўй-маросимларни рисоладагидек ўтказган хонадон соҳиб ва соҳибаларига эъзозномалар юборилади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, беминнат хизматларимиз самараси бизни янада фаол ва жўшқин меҳнат қилишга ундади. Яъни жорий йилнинг январь ойида бўлиб ўтган «Энг фаол яраштириш комиссияси» кўрик-танловининг республика босқичида «Оқибатли ва муросали яраштириш комиссияси» номинациясида маҳалла фуқаролар йиғинимиз ғолиб деб топилиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Албатта, бу эътироф ва рағбат жорий Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги устувор режаларимизни бекаму кўст бажаришга ундайди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳалламиз тарихи

“БЕШЁҒОЧ” — БЕШТА ДАРАХТ



“Бешёғоч” пойтахтимизнинг энг қадимги даҳаларидан бири бўлиб, бу атама «бешта дарахт» маъносини англатади. Ушбу даҳа айрим қўлёзма манбаларда “Занги ота” даҳаси, деб ҳам юритилган. Унинг ҳудудидаги ерлар нотекис, чуқур жарлик ва тепаликлардан иборат бўлган. Қадимда шаҳарнинг “Самарқанд”, “Камолон” ва “Бешёғоч” дарвозалари, бешта йирик мадраса, 75 та масжид, 76 та маҳалла ва мавзеси шу даҳада жойлашган.

1903 йилда “Бешёғоч” шоҳ кўчасидан қўнка (трамвай) қатнай бошлаган. Ҳозирги Алишер Навоий номидаги Миллий боғ дарвозаси ўрнида “Ҳалимтой” мадрасаси, тахминан Республика ўқувчилар саройи биноси атрофида халқ амалий санъатига ихтисослаштирилган “Муҳаммадкаримҳожи” мадрасаси (мадраса 1942 йилда бузиб юборилган) бўлган. “Абулқосим”, “Кўкалдош” ва “Хўжа Аҳрор” мадрасалари ҳам шу даҳа ҳудудида жойлашган. “Абулқосим” мадрасаси ўрта аср меъморчилигининг кўп йиллик тажрибалари, ютуқларига таянилган ҳолда, 1850 йилда “Муйи Муборак” хонақосига узвий равишда Абулқосим эшон томонидан қурдирилган. Бу мадрасада миллий маданиятимиз намояндалари Мунаввар қори Абдурашидхонов, Ғулом Зафарий ва Абдурауф Фитрат маълум вақт таҳсил олишган. “Бешёғоч” майдони 1972 йилгача бир муддат “Беруний”, 1986 йилгача яна “Бешёғоч”, 1991 йилгача “Комсомол” майдони, деб аталган.

XIX асрнинг 70-йилларида бу ҳудуддан ўтган шаҳарнинг мудофаа девори бузиб ташлангач, очилиб қолган жой “Бешёғоч” майдони деб аталган. Ўтган асрнинг 30-йилларида ҳозирги Миллий боғ дарвозаси ўрнидаги “Ҳалимтой” мадрасаси ҳам бузилган. Бу ердаги ғишт хумдонлари ўрнида сунъий кўл, истироҳат боғи барпо этилган. 1935 йилда “Бешёғоч” бозори қурилган. “Олмазор” ва “Арпапоя” кўчалари туташган жойда 1943 йилда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри биноси қад ростлаган.

“Бешёғоч” даҳаси ҳозирга келиб учта — “Олмазор”, Ғафур Ғулом номидаги ва “Бешёғоч” маҳаллаларига бўлинган. Ғафур Ғулом номидаги маҳалла илгари “Арпапоя”, деб аталган.

—Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри биносидан бошланувчи бир қатор кўчалар ҳозир ҳам Арпапоя, деб аталади, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Туҳфа Имомхўжаева. — Олдин маҳалламиз ҳудуди анча кенг бўлган. 1936 йили Тошкент шаҳрида биринчи 4 қаватли 2 та уй қурилиб, бу уйлар ўша даврнинг етук зиёлиларига берилган. Истиқлол шарофати билан 1993 йили фуқароларнинг истак ва хоҳиши инобатга олиниб, маҳаллага ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Ғафур Ғулом номи берилди. Шоир яшаб ижод этган уйда музей ташкил этилди. Айни пайтда 5 та кўчадан иборат маҳалламизда 217 хонадон мавжуд. Ҳудудимизда Муқимий номидаги мусиқали театр, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Миллий лицей, ТДИУ гимназияси ва олий бизнес мактаби, 20 дан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари жойлашган.

Маҳалламизда бир қанча машҳур кишилар, жумладан, халқимизнинг атоқли шоирлари Мақсуд Шайхзода, Туроб Тўла, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, академик Галина Пугаченковалар истиқомат қилишган. “Бешёғоч” даҳаси боғлари ва уста ҳунармандлари билан ҳам донг таратган.

Ҳозирги кунда “Бешёғоч” номи билан машҳур бўлган маҳалла узоқ йиллар “Гулобод”, деб атаб келинган. Чунки бу маҳалла аҳолиси пойтахтимиз ва қўшни мамлакатларни кўп йиллар мобайнида гул билан таъминлаган.

— Маҳалламиз аҳли азалдан гулчилик билан шуғулланганлиги боис “Гулобод”, деб аталган, ҳозирда ҳам бу ишга қизиқиш асло сусайгани йўқ, — дейди “Бешёғоч” маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси Вилоят Худойбердиева. — Бу жойлар илгари қуруқ майдон бўлган. Кейинчалик уйжой қурилишлари бошланган. Маҳалла ҳудудида 1935 йилларда шаҳарни энергия билан таъминлайдиган Энерго каскад станцияси иш бошлаган. 1948 йилдан кейин замонавий кўринишдаги уйлар қад ростлаган. Ҳозирда маҳалламиз аҳолиси 5 та кўп қаватли уй ва ҳовлиларда истиқомат қилмоқда. Олий Мажлис биноси, “Наврўз” мажмуаси, Навоий номидаги Миллий боғ, “Истиқлол” санъат саройи, “Бешёғоч” деҳқон бозори ва кўплаб тадбиркорлик шохобчалари ҳудудимизда жойлашганидан маҳалламиз аҳолиси фахрланишади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, “Бешёғоч”да ҳам кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Замонавий бинолар, турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ўқув муассасалари қад ростлади. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ушбу даҳада яна кўплаб қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Бу эса, маълум ва машҳур “Бешёғоч” даҳасининг нуфузига нуфуз, кўркига кўрк қўшиши табиий.

Дилбар МАҲМУДОВА,
“Mahalla” мухбири.

Спорт

САРВИНОЗНИНГ ЮТУҒИ

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида 12-18 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати якунланди.

Муросасиз курашлар остида ўтган беллашувларда сирдарёлик Сарвиноз Қурбонова тўққиз имкониятдан 7,5 очко жамғариб, 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида турнир жадвалининг биринчи поғонасидан жой олди. Сурхондарёлик иқтидорли шахматчи Ирода Иброҳимова ҳам шундай натижани қўлга киритди. Шундан сўнг пешқадамни аниқлаш мақсадида икки шахматчи қиз ўртасида икки партиядан иборат тайбрек ўтказилди. Ҳар икки партияда ҳам зафар қучган Сарвиноз Қурбонова бош совринни қўлга киритди.

— Шу йилнинг ноябрь ойида Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатида Сарвиноз юртимиз шарафини ҳимоя қилади, — дейди чемпионнинг устози Маматқул Ҳайлаев. — Унинг ютуғидан бошқа шогирдларим ҳам руҳланиб кетишди. Мамлакат чемпионатида яна икки шогирдим — Шаҳноза Қосимова ва Элбек Жуманов 12 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида 4-ўринни эгаллаб, мамлакатимиз терма жамоаси таркибига киритилди.

Туркияда бўладиган жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўраётган ёш шахматчиларимизга омад тилаймиз.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МАСЛАҲАТЧИ ҒОЛИБ

Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан аёлларни спортга жалб этиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом танда — соғ ақл” шиори остида спорт мусобақалари ўтказилади.

Унда туман хотин-қизлари спортнинг 8 та тури бўйича баҳслашдилар.

Жумладан, стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақада “Янги ҳаёт” маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Кубарро Маҳсумова биринчи ўринни қўлга киритди. Ғолиб маслаҳатчи туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан биринчи даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Мухбиримиз

Янги фильм

УМР САРҲИСОБИ

Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамов сценарийси асосида кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов суратга олган «Сув ёқалаб» бадиий фильми мамлакатимизда кейинги йилларда суратга олинган энг яхши кино асарлардан.

Фильмда бир қарашда оилавий, маиший мавзу тасвирлангандек. Аслида воқеалар замирига умуминсоний қадриятлар, виждон сарҳисоби сингдирилган. Зотан, фильмни кўрган томошабин ҳаёлида беихтиёр: «Ким эдиму, ким бўлдим? Эл-юрт учун нима қилдим?», деган саволлар туғилади. Чунки бош қаҳрамон Болта-Раис образи ҳам, бошқа образлар талқини ҳам томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайди.

Бир вақтлар амалдор бўлган, эндиликда мансабдан тушган Болта-Раис атрофидаги одамлар, фарзандлари, қолаверса, биринчи муҳаббати ҳақида ўйлаб, «экканини ўрадиган кун» келганидан изтиробга тушади. Виждон билан бурч, бурч билан юртдошлик масъулияти унга тинчлик бермайди.

Унинг тўрт нафар фарзанди бор. Тўртовининг феъл-атвори-ю, дунёқарашини жамласа, улардан битта Болта-Раис юзага келиши мумкин. Режиссёр актёрларнинг образларни мукаммал, пухта, ҳаётий ижро этишларини таъминлай олган. Бош қаҳрамон Болта-Раис образи Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов томонидан фалсафий мушоҳадаларга бой, мураккаб образ сифатида талқин қилинган. Айниқса, Жамшид Зокиров ижро этган Жага-мироб образи чапани, чўрткесар, лекин ҳаётнинг кўпгина синовларига дуч келган бўлсада виждонини йўқотмаган, ўзига хос характер сифатида намоён бўлган.

Болта-Раиснинг ушалмаган орзуси — биринчи муҳаббати Шарофат тимсолини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусова ўз қаҳрамонининг маҳзун қиёфасини, пок қалбини, ўзбекона ҳаё ва ибо руҳи билан суғорилган дардли оламини мукаммал ижро эта олган, десак хато бўлмайди.

Бу фильмни томошабин ҳаяжонсиз томоша қилмайди. Айниқса, Болта-Раиснинг боғнинг бир чеккасида ачинарли аҳволда жон бериши, ёмғир ёғиб одамларга ризқ-насиба улашиши ёки фарзандларининг ўз дарди, турмуш ташвишлари билан бандлиги тасвирланган саҳналарга теран ҳаётий хулосалар сингдирилганки, улардан зийрак томошабин таъсирланиши табиий, албатта.

Хуллас, томошабинни ўйлашга, мушоҳада юритишга чорлайдиган «Сув ёқалаб» бадиий фильмини ўзбек миллий кино санъатининг жиддий ютуғи дейиш мумкин.

Марат АСАДУЛЛАЕВ

Муҳокама учун мавзу

УЯЛИ ТЕЛЕФОНДАГИ УЯТЛИ РАСМЛАР

ёхуд «Оммавий маданият»га мансуб бўлган ғалати тасвирлар хусусида

Инсоният тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Сўнгги ўн-ўн беш йил ичида биргина замонавий ахборот технологиялари соҳасининг ўзида оламшумул кашфиётлар қўлга киритилди. Оддийгина уяли телефон аппаратини олайлик.

Ўтган асрнинг 90-йилларида кишиларни ҳайратлантирган симсиз сўзлашиш бугунги кунда оддий кундалик эҳтиёжга, турмуш тарзимизнинг ажралмас бир қисмига айланди ва бу ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Уяли телефон кириб бормаган хонадон қолмади. Алоқа хизматининг бу тури урфга айланганини, ҳатто умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиси ҳам бундай имкониятдан фойдаланаётганида кўриш мумкин. Аммо гап бу хусусида эмас.

Дастлабки уяли телефон аппаратлари ягона мақсад, яъни фақат сўзлашув учун хизмат қилган бўлса, замонавий телефон аппаратлари асосий вазифасидан ташқари, диктофон, радио, фото ва видеокамера вазифасини ҳам ўтамоқда. Ишлаб чиқарувчилар томонидан турли афзалликларга эга бундай аппаратларнинг яратилиши замирида рақобат муҳити ҳукмрон бўлган истеъмол бозорини забт этишга интилиш ётганини англаш қийин эмас. Қолаверса, зарурат туғилган кезларда кишиларнинг бундай қулайликлардан фойдаланганини олқишга сазовор. Бироқ ютуқларнинг барчаси, қанийди, фақат эзгуликка хизмат қилса...

Яқинда уловда бир ёш йигит билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. У телефонда эл суйган ҳофиз ижросидаги қўшиқни тинглаб кетарди. Беихтиёр телефон аппаратининг экранига кўз ташладим. Не кўз билан кўрайки, машҳур ҳофиз ўрнига... гитара тутган сариқ мушук бошини оҳангга мос тебратарди. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмай ҳайрон бўлганимни кўрган ҳамроҳим ўзича изоҳ берди: «Бу бир прикол-да, ака!».

Афсуски, бундай бачкана, шахсни таҳқирловчи, ҳамроҳим айтмоқчи, «прикол» клиплар ҳолва экан. Айрим телефон эгалари аппаратларига беҳаё сурат ва видеолавҳаларни бемалол ёзиб олиб, ўзларининг замондан орқада эмасликларини кўз-кўз қилишга уринаётганига, нима дейсиз. «Оммавий маданият»га мансуб бундай шармсиз, миллий менталитетимизга ёт «машғулот»лар ёшларимиз қўлига осонлик билан тушиб, уларнинг онгини заҳарлаётгани чинданам ташвишланарлидир.

Истаган ҳажмдаги исталган маълумотни — у мусиқа бўладими, фильм бўладими ёки бошқа нарса, симсиз — «Блутс» (Bluetooth menu — кўчириб олиш воситаси) ёрдамида иккинчи бир телефон аппаратига ўтказилиши мўъжиза, албатта. Аммо уяли телефоннинг кенгайиб бораётгани бундай ноёб имкониятларидан ножоиз мақсадларда фойдаланиш, юмшоқ қилиб айтганда қабиҳликдан бошқа нарса эмас.

Яқинда гуруҳ бўлиб номусга тегиш ҳолати акс этган видеоролик телефонга кўчириб олиш воситасида ёшлар ўртасида тарқалгани хусусидаги маълумотга эга бўлдик. «Пахта-2008» файлидаги бу жирканч манзара айнан уяли телефон аппарати камераси ёрдамида суратга олинган ҳамда тарқатилган эди. Албатта, жиноятни содир этган шахслар қидириб топилиб, қилмишига яраша жазосини олиши аниқ.

Хўш, жиноят ва ҳаёсизлик тасвирланган бундай видеороликларни тарғиб этишдан кўзланган мақсад нима? Ёшларнинг қизиқувчанлигидан фойдаланиб, катта йўл бошида уларга зўравонлик, жангарилик, босқинчилик ва порнографияни жозибадор қилиб кўрсатишдан кимлар манфаатдор? Саволлар кўпу бироқ уларга жавоб излаш, топиш муҳимроқ.

Ёш авлоднинг онгига ўзлигимизга ёт, бузуқ ғояларни тиқиштириш, турли бўлмағур фикрлар билан улар ақлини, идрокини заҳарлаш ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу хусусида, биринчи галда, ота-оналар, ёшларимиз таълим-тарбиясига масъул устоз-мураббийлар, виждони уйғоқ, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир онгли фуқаро қайғуриши, жон қойитиши зарур.

Шифокорлар айтмоқчи, касални даволагандан кўра, олдини олган маъқул.

Н.ОЧИЛОВ,
ИИВ Матбуот маркази Бош инспектори, лейтенант.

«Mahalla» дорихонаси

ШИФОБАХШ МЕВА

Халқ табобатида қулупнай мевасидан бир неча хасталикларни даволашда фойдаланилади. Жумладан, меъда-ичак касалликлари, буйракдаги тош хасталиги, сариқ, мичал (рахит), камқонлик, фаромушхотирлик, камқувватлик, жигар ва safро йўллари муаммоларини бартараф этишда қулупнай фойда беради.



Бирон-бир касалликни бошдан кечирган мажолсиз болаларга қулупнай мевасини сут, шакар билан аралаштирилиб берилса, уларга қувват бағишлайди. 10-15 кун давомида наҳорда ярим пиёла қулупнай шарбатини ичиш ёки бир кечакундузда 5-6 маротаба қулупнай мевасидан истеъмол қилиш жигар, буйрак, қовуқ, ўт пуфагидаги тош ва қумларни нуратиб, оғриқни енгиллаштиради.

Қулупнайнинг нафақат меваси, балки барги, илдизи ҳам жуда фойдали. Ёввойи қулупнайнинг қуритилган барглaридан тайёрланган қайнатма меъданинг яллиғланиши, диққинафаслик, уйқусизлик, тунги терлашлардан фориғ этиб, иштаҳани очишга ва овқатнинг тез ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Кўп йиллар давомида бадал никриз дардидан азият чеккан швед ботаниги Карл Линний қулупнай истеъмол қилиш натижасида нохуш оғриқдан халос бўлган экан.

Бу мева таркибида қанд, олма, лимон, фолий, пантотен каби кислоталар, С витамини, шунингдек, марганец, калий, кальций, фосфор мавжуд. Шу боис, ҳозирги замон тиббиётида унинг бир қанча шифобахш хусусиятларидан ўринли фойдаланилмоқда. Қулупнай меваси билан бирга, ундан тайёрланадиган мураббо ва жемлар ҳам фойдали саналади.

Таъкидлаш жоизки, бу шифобахш мевани меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш нохуш асоратларга олиб келиши ҳам мумкин.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.

Mahalla
ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
236-53-93 236-53-75,
236-57-62 Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 2 босма тобоқ.

Навбатчи: Ўктам Худойкулов
Мусаҳҳих: Аброр Ярматов
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов
Топширилди — 22.45

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

"Ўзбекистон" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй
Нашр кўрсаткичи: 148

18751 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7234